

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ DEPUTATLARI
UCHTEPA TUMAN
KENGASHINING
QARORI



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
РЕШЕНИЕ
УЧТЕПИНСКОГО РАЙОННОГО
КЕНГАША НАРОДНЫХ
ДЕПУТАТОВ

№ 47/09-И

20 20 yil “ 3 ” ИЮНЬ

“Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш бўлими томонидан уч ой давомида ва Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида амалга оширилаётган ишлари тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгashi

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман ҳокимининг ўринbosари - маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш бўлими бошлиғи З.Азимбаеванинг уч ой давомида ва Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида амалга оширилаётган ишлари тўғрисидаги ҳисботи маълумот учун қабул қилинсин;
2. “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасидаги олиб борилаётган ишлар ташкилий масалаларида йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилиб, Халқ депутатлари туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқоролик жамиятининг бошка институтлари масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринbosари А.Хужанов зиммасига юклатилсин.
3. Ушбу қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқоролик жамиятининг бошка институтлари масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринbosари А.Хужанов зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Учтепа туман
Кенгashi раиси ўринbosари

С.Имамов



№ 48/09-*л*

20 20yil “ 3 ” июнь

**Туман санитария эпидемология осойишталик маркази
фаолияти тўғрисида**

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман санитария эпидемология осойишталик маркази (А.Хасанов)нинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин;

2. Туман санитария эпидемология осойишталик маркази бош врачи (А.Хасанов):

2.1. Учтепа туманида санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш, яшаш мухитини, хавфсизлигини ва инсон соғлигини муҳофаза қилишни таъминлаш, санитария эпидемология осойишталик маркази фаолияти самарадорлигини ошириш ва тизимда коррупцияга қарши курашиш, бизнесни ривожлантириш йўлида бюрократик тўсикларни бартараф этишга қаратилган тадбирларни изчиллик билан давом эттириш чоралари кўрилсин.

2.2. Тадбиркорларга санитария қонунчилиги доирасида маҳорат дарслари ўргатиш уларни санитария қоидалари ва меъёрларига риоя қилишларини таъминлаш борасида семинарлар ташкил этиб борилсин

3. Ушбу қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқоролик жамиятининг бошка институтлари масалалари бўйича доимий комиссияси (М.Арипова) ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринbosари А.Хужанов зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Учтепа туман
Кенгashi раиси ўринbosари

С.Имамов

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ DEPUTATLARI
UCHTEPA TUMAN
KENGASHINING
QARORI



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
РЕШЕНИЕ
УЧТЕПИНСКОГО РАЙОННОГО
КЕНГАША НАРОДНЫХ
ДЕПУТАТОВ

№ 52/09-й

2020 yil “ 3 ” май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги
“Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий
барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”
ПҚ-3981-сонли қарор ижроси ҳамда олиб борилаётган ишлар ҳақида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси
Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, ҳалқ депутатлари Учтепа туман
Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман электр таъминоти корхонаси раҳбари Ш.Носирходжаевнинг
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги “Электр
энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини
таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3981-сонли қарор ижроси ҳамда
олиб борилаётган ишлар ҳақидаги хисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман электр таъминоти корхонаси раҳбари (Ш.Носирходжаев)
Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молия
барқарорлигини таъминлаш чора тадбирлари ва тизимда коррупцияга қарши
курашиш, бизнесни ривожлантириш йўлида бюрократик тўсикларни
бартараф этиш ва мамлакатда инвестиция мухитини яхшилашга қаратилган
тадбирларни изчиллик билан давом эттириш чоралари кўрилсин.

3. Мазкур Қарор ижросини назорат қилиш ҳалқ депутатлари Учтепа
тумани Кенгашининг Коммунал хўжалик ва экология масалалари бўйича
доимий комиссияси раиси (М.Азизов) зиммасига юклатилсин.

Ҳалқ депутатлари Учтепа туман
Кенгаши раиси ўринбосари

С. Имамов

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ DEPUTATLARI
UCHTEPA TUMAN
KENGASHINING
QARORI



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
РЕШЕНИЕ
УЧТЕПИНСКОГО РАЙОННОГО
КЕНГАША НАРОДНЫХ
ДЕПУТАТОВ

№ 45/09-II

20 20 yil " 3 " июнь

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг
2020 йил 22 майдаги 74/12-6-сонли қарори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги
Қонунининг 6, 24-моддаларига асосан ҳамда “Сардоба сув омбори” тўғонида
сув тошиши оқибатида жабрланган фуқароларни қўллаб-кувватлаш
ва инфратузилмани тиклашга кўмаклашиш мақсадида Халқ депутатлари
Учтепа тумани Кенгashi

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2020 йил 22 майдаги 74/12-6-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.
2. Тошқин оқибатида зарап кўрган оиласларни қўллаб-кувватлаш ҳамда худудлари инфратузилмасини тиклашга кўмаклашиш билан боғлик харажатларни “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими ва туман бўлинмалари хузуридаги “Саҳоват ва кўмак” жамғармасининг ҳисоб рақамида йигилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилишига рухсат берилгани инобатга олинсин.
3. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Учтепа туман бўлинмаси раиси в.в.б (Ш.Мирбабаева)га “Маҳалла” фонди Учтепа туман бўлинмаси хузуридаги “Саҳоват ва кўмак” жамғармасининг ҳисоб рақамида йигиладиган хайрия маблағларидан 2 млрд. 362,5 млн. (икки миллиард уч юз олтмиш икки миллион беш юз минг) сўм маблағ “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими хузуридаги “Саҳоват ва кўмак” жамғармаси ҳисоб рақамига хайрия тариқасида ўтказиб берилсин.
4. Мазкур қарор ижроси назорати Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иктисолий ислоҳотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Ж.Каримов ва Учтепа тумани ҳокимининг биринчи ўринbosари А.Хужанов зиммасига юклатидсин.

Халқ депутатлари Учтепа
туман Кенгashi раиси ўринbosари

С.Имамов



№ 46/09-п

20 20 yil " 3 " iyun

Туман маҳаллий бюджетнинг 2020 йилнинг 1 январ ҳолатига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари хисобидан ажратилиши кўзда тутилган харажатлар хисоби тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Конунининг 6 ва 24-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 126-моддасига асосан, Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгashi,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман маҳаллий бюджетнинг 2020 йил 1-чорак даромадлар режасидан орттириб бажарилган кисми хисобидан қуидаги харажатларга маблағлар ажратилсин:

- Туман ҳокими маҳкамаси Аппарат раҳбарининг билдиргисига асосан, туман ҳокимлигига мавжуд бўлган хужжатларни архивлаштириш ишларини ўtkазиш учун 52,0 (эллик икки) млн. сўм, иш самарадорлигини ошириш ҳамда иш фаолиятида фойдаланиш учун 1 дона компьютер жамламаси ва 1 дона IPAD (планшет) хариди учун 17,0 (ўн етти) млн. сўм, ҳокимлик “Девонхонаси”га ва ҳокимлик мажмуаларига келиб тушаётган хат-хужжатларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, бино ичига кириб чиқаётган фуқароларни қайд этиш учун 108 дона дафтарларини, 500 та қарор, 500 та фармойиш, 100 та маҳкама, 300 та Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг қарори ва ҳоким бланкаларини харид қилиш учун 15,0 (ўн беш) млн. сўм жами 84,0 (саксон тўрт) млн. сўм;

- туман ҳокимининг ўринbosари Л.Алманов билдиргисига асосан Шафтолизор МФЙ ҳудудида жойлашган ички йўлларни таъмирлаш ва смета хужжатларини расмийлаштириш харажатлари учун 900,0 (тўқкиз юз) млн. сўм, тумандаги кўчаларни асфальтлаш қопламаларини қоплаш учун маҳсус техника (Каток) учун 33,0 млн. (ўттиз уч) жами 933,0 (тўқкиз юз ўттиз уч) млн. маблағлар ажратилсин.

2. Туман ҳокими мазкур қарорда кўрсатиб ўтилган харажатлар учун туман маҳаллий бюджетнинг 2020 йилнинг 1 январ ҳолатига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари хисобидан маблағларни тақсимлаш юзасидан қарорлар қабул килинсин.

26.06.2020

3. Учтепа туман молия-иқтисодиёт ва камбағалликни кисқартириш бўлими (А.Хужанов) Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси ва бюджет тизимига оид норматив-хукуқий хужжатларига риоя қилиш, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан олиб борилаётган назорат ишларини янада кучайтириш чора-тадбирларини кўрсинг.

4. Мазкур қарор ижроси назорати Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Ж.Каримов ва Учтепа тумани ҳокимининг биринчи ўринbosари А.Хужанов зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Учтепа туман
Кенгashi раиси ўринbosари

С.Имамов

